

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ,
ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ,
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ВА НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.11.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

ЖУРАЕВА ФЕЛУРА ДАВРОНОВНА

**МЕТАЛЛКОМПЛЕКС ҚОТИРУВЧИ ВА АКТИВЛАШТИРИЛГАН
ТЎЛДИРГИЧЛАР АСОСИДА КАРБАМИД КОМПОЗИЦИЯНИНГ
СТРУКТУРАСИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИ**

05.09.05 – Қурилиш материаллари ва буюмлари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА
ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2019

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора (PhD) философии по
техническим наукам**
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
ontechnical sciences**

Жураева Фелура Давроновна

Металлкомплекс қотирувчи ва активлаштирилган тўлдиргичлар асосида
карбамид композициянинг структураси ва технологияси5

Жураева Фелура Давроновна

Структура и технология карбамидных композиции с металлокомплексным
отвердителем и активированными наполнителями.....21

Juraeva Felura Davronovna

Structure and technology of urea compositions on the basis of metallic compound
and activated fillers.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....43

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ,
ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ,
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ВА НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.11.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

ЖУРАЕВА ФЕЛУРА ДАВРОНОВНА

**МЕТАЛЛКОМПЛЕКС ҚОТИРУВЧИ ВА АКТИВЛАШТИРИЛГАН
ТЎЛДИРГИЧЛАР АСОСИДА КАРБАМИД КОМПОЗИЦИЯНИНГ
СТРУКТУРАСИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИ**

05.09.05 – Қурилиш материаллари ва буюмлари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА
ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/T1032 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент архитектура-қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)), Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.taqi.uz ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Самигов Нигматджан Абдурахимович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тулаганов Абдуқобил Абдунабиевич
техника фанлари доктори, профессор

Сиддиқов Икромжон Иминжонович
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Тошкент архитектура-қурилиш институти, Тошкент темир йўл муҳандислари институти, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти ва Наманган муҳандислик-қурилиш институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.11.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «3» декабрь соат 10⁰⁰ да архитектура факультетининг мажлислар залида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент ш., Абдулла Қодирий кўчаси, 7в-уй. Тел.:(99871) 241-10-84; факс: (99871) 241-80-00, e-mail: devon@taqi.uz, taqi_atm@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент архитектура-қурилиш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№27 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 13-уй. Тел.:(99871) 244-63-30; факс: (99871) 241-80-00, e-mail: taqi_atm@edu.uz).

Диссертация автореферати 2019 йил «21» ноябрь куни тарқатилди.
(2019 йил «25» октябрдаги 8-рақамли реестр баённомаси).

Х.А. Акрамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х.Х. Камиллов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н., профессор

С.А. Ходжаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертациясининг аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда жаҳонда полиэфирли, эпоксидли, фуранли, карбамид-формальдегидли ва бошқа полимерлар асосида энергия ва ресурс тежамкор, экологик хавфсиз елим композициялар ишлаб чиқаришнинг инновацион технологиялари қурилишда муҳим ўринни эгалламоқда. Елим композицияларнинг самарадор таркибларини яратиш, структурасининг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этиш ва уларни мамлакат иқтисодиётининг турли тармоқларида қўллаш борасидаги тадқиқотлар муҳим ўрин тутмоқда. Полимер қурилиш елим композициялар яратиш тизими полимерга ҳар хил активлаштирилган тўлдиргичлар ва қотирувчилар қўшиш имконини беради. Айниқса, активлаштирилган тўлдиргичлар ва қотирувчиларнинг янги турларини яратиш, уларни елим ишлаб чиқаришга жорий этишнинг энергия ва ресурс-тежамкорлигини таъминлаш, елимнинг адгезион хоссаси, термик барқарорлиги, эксплуатация шароитларига бардошлилиги, технологик хоссаларини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳоннинг етакчи илмий-тадқиқот марказларида юқори физик-механик ва технологик хоссаларга эга елим композицияларнинг таркибларини оптималлаштириш, уларни ишлаб чиқариш технологияларини яратишга кенг эътибор қаратилмоқда. Карбамид-формальдегид елим композицияларнинг физик-техник хоссалари, термик барқарорлиги, кимёвий қаршилиги ва эксплуатацион хоссаларини яхшилаш мақсадида уларнинг таркибига қотирувчи ва активлаштирилган тўлдиргичлар қўшиш, боғловчининг компонентларини кимёвий боғланишини ўрганиш, карбамид-формальдегид смолани қотириш жараёнини мақсадли бошқариш, юқори мустаҳкамликка, термик барқарорликка эришишни таъминлаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикамызда қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш, табиий хомашё материалларини иқтисод қилиш ва маҳаллий хомашёлардан ишлаб чиқаришда фойдаланиш имконини берувчи ресурс ва энергия тежамкор янги қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш бўйича кенг масшабли чора-тадбирлар қабул қилинган. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш стратегиясида, хусусан “...миллий иқтисодиётда рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, энергия тежамкор технологияларни ишлаб чиқаришга кенг тадбиқ этиш...”¹ вазифалари алоҳида таъкидлаб ўтилган. Мазкур вазифаларни бажариш, шу жумладан маҳаллий хомашёдан ишлаб чиқарилган активлаштирилган тўлдиргич ва металлкомплекс қотирувчидан карбамид-формальдегид елим композициясини ишлаб чиқаришда фойдаланиб, сифатли қурилиш материаллари ва буюмларини ишлаб чиқариш технологиясини яратиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 - сонли “Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2016 йил 28 сентябрдаги ПҚ-2615-сонли “2016-2020 йилларда қурилиш индустриясини янада ривожлантириш бўйича тадбирлар дастури тўғрисида”ги, 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335-сонли «Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари шунингдек, бу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II.«Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикаси ва хорижда кейинги йилларда қурилиш материаллари соҳасида бир қатор олимлар томонидан қурилиш композицион полимер материалларининг структураси ва хоссаларини шаклланишининг умумий қонуниятлари аниқланган ҳамда технологиясининг асослари ишлаб чиқилган. Полимер қурилиш композициялари, полимербетонларнинг таркиблари ва технологияларини яратиш бўйича хорижий олимлар И.М.Елшин, В.В.Патуроев, И.В.Путляев, Ю.П.Потапов, В.П.Селяев, Ю.А.Соколова, В.И.Соломатов, Р.Крайс, Ю.Охама, К.Химмлер, Садао, Р. Бареш, М.Энгулеску, П.Гудев ва бошқалар шуғулланиб, ушбу масалаларни ҳал қилишга катта ҳисса қўшганлар.

Юртимиз олимлари композицион полимер материалларнинг таркибини ишлаб чиқиш, структура ва хоссаларини яхшилаш, ишлаб чиқариш технологияларининг самарадорлигини ошириш масалаларини ўрганишда бир қатор тадқиқотлар олиб борганлар. Ушбу соҳа А.Т.Жалилов, И.У.Қосимов, Н.Р.Ашуров, Ш.Г.Содиқов Ф.А.Магруппов, М.К.Тахиров, Н.А.Самигов, Х.И. Мўминжонов, И.И. Сиддиқов, М.М. Акрамов ва бошқаларнинг турли йилларда олиб борган тадқиқотларига кўра ривож топди.

Ёғоч ва ёғоч қурилиш материалларини елимлашда ишлатиладиган елим композицияси таркибига турли хил қотирувчи ва тўлдирувчи қўшиб, елим қатламининг хоссаларини яхшилаш мумкинлиги, бундан ташқари полимерга тўлдиргич сифатида активлаштирилган қатламли силикат тўлдиргичларни қўшиш янги полимер нанокомполитлар яратиш имконини мавжудлиги аввалги тадқиқотлардан маълум. Бироқ, Республикамизда карбамид-формальдегид елим композицияларнинг самарали таркибларини ишлаб чиқаришга қаратилган илмий тадқиқотларда, жумладан «карбамид-формальдегид смола - қотирувчи – тўлдиргич» тизимида елим композициядаги структуранинг шаклланиши, металлкомплекс қотирувчи ва активлаштирилган тўлдиргич асосида адгезион хоссаси юқори, термик барқарор карбамид композиция олиш технологиясини такомиллаштириш масалалари етарли даражада ўрганилмаганлиги ва янада кенгроқ тадқиқ қилишни талаб этилаётганлигини кўрсатмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент архитектура-қурилиш институтида Ф-4-50 “Композицион қурилиш материалларини яратишнинг полиструктура назарияси асосларини ривожлантириш” (2012-2016 йй.) мавзуси бўйича олиб борилган фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади металлкомплекс қотирувчи ва активлаштирилган тўлдиргич кўшилган карбамид-формальдегид елим композицияси структурасини тадқиқ қилиш ва уни тайёрлашнинг инновацион технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

металлкомплекс қотирувчи ва активлаштирилган Na-монтмориллонит тўлдиргичнинг карбамид-формальдегид елим композициясида структуранинг шаклланиши ва физик-кимёвий хоссаларига таъсирини тадқиқ этиш;

карбамид-формальдегид елим композициясининг технологик, термик барқарорлик ва физик-механик хоссаларини тадқиқ этиш;

металлкомплекс қотирувчи ва активлаштирилган Na-монтмориллонит тўлдиргич асосидаги карбамид композициясининг таркибини оптималлаштириш;

металлкомплекс қотирувчи ва активлаштирилган тўлдиргичдан фойдаланиб, карбамид-формальдегид елим композицияси ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш ва тадбиқ этишнинг техник-иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида металлкомплекс қотирувчи ва активлаштирилган тўлдиргич асосида тайёрланган карбамид-формальдегид елим композицияси олинган.

Тадқиқотнинг предметини металлкомплекс қотирувчи ва активлаштирилган тўлдиргичлар асосида тайёрланган карбамид-формальдегид елим композициясининг физик-кимёвий, физик-механик ва техник-иқтисодий омиллари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Металлкомплекс қотирувчи ва активлаштирилган тўлдиргич карбамид-формальдегид елим композициясининг физик-кимёвий таҳлилнинг замонавий усулларида, структура ҳосил бўлишини рентген-структурали, дифференциал-термик ва инфрақизил-спектроскопия таҳлили, елим композициянинг сифат кўрсаткичлари ва хоссаларини ўрганишнинг стандартлаштирилган усуллари ҳамда елим композицияси таркибини оптималлаштиришни математик усуллари ва экспериментлар натижаларини статистик таҳлил қилиш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

«карбамид-формальдегид смола - металлкомплекс қотирувчи – активлаштирилган тўлдиргич» тизимида активлаштирилган тўлдиргич дисперслигининг таъсирини ҳисобга олган ҳолда елим композициясидаги структуранинг шаклланиши асосланган;

карбамид-формальдегид елим композицияси таркибидаги металлкомплекс қотирувчи миқдори ва таъсирини ҳисобга олган ҳолда елим композициясининг термик барқарорлиги оширилган;

карбамид-формальдегид елим композициясининг адгезион мустаҳкамлигини унинг таркибидаги металлкомплекс қотирувчи, активлаштирилган тўлдиргичнинг миқдори ва қотириш давомийлигига боғлиқлигини ифодаловчи математик модель ишлаб чиқилган;

металлкомплекс қотирувчи ва активлаштирилган тўлдиргичли карбамид-формальдегид елим композициясини ишлаб чиқариш технологияси такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

металлкомплекс қотирувчи ва активлаштирилган тўлдиргичли карбамид-формальдегид елим композициясининг энергия ва ресурс тежайдиган мақбул таркиблари ишлаб чиқилган;

металлкомплекс қотирувчи ва активлаштирилган тўлдиргичли карбамид-формальдегид елим композициясини ишлаб чиқариш технологияси такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотларнинг замонавий воситалар ва стандарт усуллардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, тажрибаларнинг қурилиш меъёр ва қоидалари асосида амалга оширилганлиги, тажриба ва назарий тадқиқот натижаларининг ўзаро муносиблигини ҳамда ишланманинг амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти карбамид композициялар учун полимер системасида фазалараро ўзаро таъсирлашиш табиатига эга металлкомплекс қотирувчи ва активлаштирилган Na-монтмориллонит тўлдирувчи таркибини асосланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, елим қатламининг технологик, адгезион, термик барқарорлик каби хоссаларини яхшилашига хизмат қилиши ва бу борада металлкомплекс қотирувчи ва активлаштирилган тўлдиргич асосида самарали карбамид-формальдегид елим композицияси таркибларини ишлаб чиқишга хизмат қилишидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Металлкомплекс қотирувчи ва активлаштирилган тўлдиргичлар асосида карбамид композициясининг структураси ва технологияси бўйича илмий натижалар асосида:

карбамид-формальдегид смола, металлкомплекс қотирувчи ва активлаштирилган тўлдиргичдан иборат елим таркиблари МДФга пардозловчи шпонни иссиқ босимда елимлаш учун Тошкент шаҳридаги ООО "WOOD MAX" корхонасида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2019 йил 4 октябрдаги №7441/09-07-сонли маълумотномаси). Натижада, елим сарфини 50% камайтиришга эришилган;

карбамид-формальдегид смола, металлкомплекс қотирувчи ва активлаштирилган тўлдиргичдан иборат елим таркиблари табиий чинор ёғочларини совуқ босим остида елимлаш учун Тошкент шаҳридаги ООО “ARM DOMEN” корхонасида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2019 йил 4 октябрдаги №7441/09-07-сонли маълумотномаси). Натижада, елим қатламининг мустаҳкамлигини 3 мартага оширишга эришилган;

металлкомплекс қотирувчи ва активлаштирилган тўлдиргичли карбамид-формальдегид елим композициясини ишлаб чиқариш технологияси Тошкент шаҳридаги ООО “ARM DOMEN” корхонасида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2019 йил 4 октябрдаги №7441/09-07-сонли маълумотномаси). Натижада, 40-43% иқтисодий самарадорликка эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация тадқиқотининг асосий натижалари 4 та халқаро ва 5 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда, 14 та мақола халқаро ва республика миқёсидаги анжуманлар маърузалари тўпламларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган диссертация тадқиқотларининг долзарблиги асосланган, тадқиқотларнинг мақсад ва вазифалари ҳамда тадқиқот объекти ва предмети келтирилган, тадқиқотларнинг Республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларга мос келиши кўрсатилган, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти ифодаланган, тадқиқот ишлари натижаларининг ишлаб чиқаришга тадбиқ этилганлиги таъкидланган, тадқиқот ишлари натижаларининг апробацияси ҳақида маълумотлар ва диссертация мавзуси бўйича чоп этилган илмий мақолалар, шунингдек, диссертация структураси ва ҳажми тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Муаммонинг ўрганилганлик ҳолати”** деб номланган биринчи бобида илмий муаммонинг замонавий ҳолатига берилган аналитик шарҳлар ва изоҳлар келтирилган. Бунда турли карбамид-формальдегид елим композицияларнинг сифатини яхшилашда активлаштирилган тўлдиргичларни қўллаш алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

Ёғоч ва ёғоч қурилиш материалларини елимлашда елим қатлам хоссаларини яхшилаш мақсадида, елим таркибига турли хил қотирувчи ва тўлдирувчи қўшилади. Қотирувчи муҳитнинг нордонлигини оширади ва поликонденсация жараёнини тезлаштиради. Тўлдиргич эса смола сарфини камайтиради ва ёғоч қипиқли плиталарни юзаларини юпқа пардозловчи материаллар билан пардозлашда елимнинг сингишини яхшилаши мумкин. Бундан ташқари елим таркибига тўлдирувчи киритиш қўпол ишлов берилган ва ғовакли юзаларни тўлдириб, бир хилда елимланишини таъминлайди, қотириш жараёнида елимли қатлам ички кучланиши билан елимнинг киришишини камайтиради.

Илмий изланишлар натижасига кўра карбамид-формальдегид композицияларнинг хоссаларини яхшилаш учун уларнинг таркибига металлкомплекс қотирувчи ва активлаштирилган қатламли силикат тўлдиргичларни қўшиш йўли билан эришиш мумкин, чунки активлаштирилган тўлдиргичлар боғловчининг компонентларини кимёвий боғланишини яхшиласа, металлкомплекс қотирувчи эса карбамид-формальдегид смолани қотириш жараёнида ички емирилишлар содир бўлмайди. Шунингдек полимерга тўлдиргич сифатида активлаштирилган қатламли силикат тўлдиргичларни қўшиш янги полимер нанокомпозитлар яратиш имконини беради.

Диссертация ишининг мавзуси бўйича келтирилган адабиёт манбаларини таҳлил қилиш асосида тадқиқотнинг илмий ишчи фарази, мақсади ва вазифалари аниқланди. Металлкомплекс қотирувчи ва активлаштирилган тўлдиргичли карбамид-формальдегид композициянинг физик-кимёвий хоссалари дифференциал-термик, рентген-структура ва ИҚ-спектроскопияларини таҳлил қилиш асосида тадқиқ қилинди ва бундай таҳлиллар уларнинг кимёвий структурасини чуқур ўрганиш имконини беради.

Диссертациянинг илмий ишчи фарази: Металлкомплекс қотирувчи ва Na-монтмориллонит дисперсияси нанокомпозит ҳосил қилиб, карбамид-формальдегид асосидаги елимлар термик барқарорлигини ва физик-механик хоссаларини кескин яхшилади.

Диссертациянинг **“Тадқиқотлар объекти ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида металлкомплекс қотирувчи ва активлаштирилган тўлдиргичли карбамид қурилиш композицияларни қотириш учун металлкомплекс қотирувчи синтез қилинди. Карбамид композициялар учун металлкомплекс қотирувчи ва активлаштирилган тўлдиргичнинг физик-кимёвий хоссалари келтирилган.

Карбамид қурилиш композицияларни тайёрлаш учун КФ-Ж маркали карбамид-формальдегид смоладан (ГОСТ 14231-88) фойдаланилди.


Диссертация ишининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, тадқиқот методлари асосланган ҳолда танланди. Экспериментал тадқиқотларда стандартлаштирилган физик-механик методлар билан бир қаторда физик-кимёвий таҳлил методларидан, хусусан, карбамид композициясининг структурасини ўрганишда ИҚ-спектроскопик, рентгенструктура ва дифференциал термик таҳлиллардан фойдаланилди. Бундан ташқари, тадқиқот ишларида карбамид композицияси таркибларини мақбуллаштириш учун

экспериментларни режалаштиришнинг математик методидан ҳам фойдаланилди.


Диссертациянинг “**Металлкомплекс қотирувчи ва активлаштирилган тўлдиргичли карбамид-формальдегид қурилиш композициясининг структураланиши**” деб номланган учинчи бобида металлкомплекс қотирувчи ва активлаштирилган тўлдиргичли карбамид-формальдегид композицияни физик-кимёвий таҳлил қилиш методи полимер композит тизимларда карбамид композициясининг наноструктурасини структураланиш қонуниятлари, хоссаларини яхшиланиш кимёси, механизми ва поликонденсация реакциясини ўзгариш жараёнларини ўрганиш учун шарт-шароитлар яратади. Композициясида структура ҳосил бўлиш жараёнини тадқиқ қилиш учун инфрақизил спектроскопия (ИҚС) методи, рентгенструктура таҳлил (РСТ) ва дифференциал термик таҳлил (ДТТ)дан фойдаланилди.

Термик таҳлил алоҳида минералларни идентификациялаш ва уларнинг аралашмадаги миқдорий улушини аниқлаш, моддада кечаётган ўзгаришлар: фазаги ўтишлар ёки поликонденсация жараёнининг кимёвий реакциялари, оксидланиш, қайта тикланишнинг механизми ва тезлигини тадқиқ қилиш имконини беради. Термик таҳлил ёрдамида жараённинг мавжудлиги, унинг иссиқлик (эндо- ёки экзотермик) характери ва шу жараён кечадиган ҳароратли оралиқ регистрацияланади.


1-расмда намунани қиздириш жараёнидан ҳосил бўлган эгри чизиқлардан 120, 180, 253°C да 3 та эндотермик эффе́кт ва 289, 379, 535, 693°C да 4 та экзотермик эффе́кт ҳосил бўлганини кўришимиз мумкин. 60-900°C ҳароратда умумий йўқотилган масса термогравиметрик эгри чизиқлари бўйича 99,8 % ни ташкил этди.



1-расм. КФ-Ж дифференциал термик таҳлил эгри чизиқлари



2-расм. КФ-Ж массасига нисбатан хлоридли аммоний 1 % ли намуна, дифференциал термик таҳлил эгри чизиқлари



3-расм. Карбамид елимли композиция, дифференциал термик таҳлил эгри чизиқлари

2-расмда намунани қиздириш жараёнидан ҳосил бўлган эгри чизиқлардан 127, 133, 621, 638, 683, 753, 791°C да 7 та эндотермик эффе́кт ва 109, 250, 280,


370, 412 ва 552⁰Сда 6 та экзотермик эффект ҳосил бўлганлиги билан тавсифланади. Термогравиметрик эгри чизиклари бўйича 60-900⁰С ҳароратда умумий йўқотилган масса 99,91 % ни ташкил этди.

3-расмда намунани қиздириш жараёнидан ҳосил бўлган эгри чизиклардан 108, 118, 830 ⁰С ҳароратда 3 та эндотермик эффект ва 68, 82, 206, 228, 252, 266, 273, 312, 332, 352, 364, 378, 392, 405, 424, 480, 550, 780, 800 ва 814 ⁰С да 20 та экзотермик эффект ҳосил бўлганлиги билан тавсифланади. Термогравиметрик эгри чизиклари бўйича 60-900 ⁰С ҳароратда умумий йўқотилган масса 98,17 % ни ташкил этди.


Шу тариқа карбамид елим композицияси термик барқарорлигини композиция таркибига киритилган металлкомплекс қотирувчи МКО-5 ва Na-ММТ миқдорига боғлиқлиги билан изоҳлаш мумкин. Бундан хулоса карбамид елимли композициясидан иссиқ босим остида елимлашда фойдаланиш мумкин.

ИҚ-спектр полосаларининг ютилиш частоталарини билган ҳолда уларнинг қайси функционал гуруҳларга тегишли эканлигини топиб, модданинг синфи ҳақида хулосалар қилиш мумкин.

5-расмда спектрнинг юқори частотали қисмидаги ингичка полоса (3808,48-3733,25см⁻¹) водород боғ орқали боғланмаган, эркин ОН гуруҳнинг валентлик тебранишлари натижасида юзага келган. Спектрнинг 3351,35см⁻¹ –N–N валентлик юқори. 2961,24см⁻¹ -CH₃ асимметриклик валентлик юқори. Спектрнинг 2178,62см⁻¹ -Si–H валентлик юқори частоталарни ҳосил қилади. 1643,85 -NH₂, 1548,85см⁻¹ -NH₃⁺ асимметрик деформацион ўртача частоталарни ҳосил қилади. Спектрнинг 1383,45см⁻¹ -CH₃ симметрик деформацион, 1124,51см⁻¹ -C–OH валентлик интенсив, 1029,03см⁻¹ частотали қисмидаги ингичка полосаларни -Si–O- валентлик частоталарни ҳосил қилади.



4-расм. Анъанавий елимнинг ИҚ-спектрлари




5-расм. Карбамид елимли композициянинг ИҚ-спектрлари


Рентген структуравий таҳлил (РСТ) тадқиқотларининг натижалари. Карбамид-формальдегид смола таркибига 2% миқдорда Na-ММТ киритиш

рентгенструктурвий таҳлил натижаларига кўра полимерлашув жараёнида интеркаляция ҳосил бўлганлигини билдиради. Бунда куруқ Na-ММТ рефлекси 7° бурчак остида жойлашган бўлса, (6-расм) интеркаляцияланган Na-ММТ рефлекси 6° кичик бурчак остида силжиганини кўришимиз мумкин (7-расм).


Полимер занжирларнинг интеркаляцияси одатда қатламли силикатнинг қатламлар оралиғидаги бўшлиқларнинг катталашига олиб келади. Бундай нанокөмпозитларнинг рентгенограммасида намуна қилиб берилган қатламли силикатнинг рефлекси билан солиштирганда кичик бурчак тарафга сурилган қатламли силикат базальт рефлекслари максимумининг аниқ кўриниши кўзатилади.




6-расм. Na⁺- монтмориллонит рентгенограммаси



7 расм. 2 % Na⁺- монтмориллонитли карбамид композиция рентгенограммаси



8-расм. Cloisite 30В модификацияланган монтмориллонит рентгенограммаси



9-расм. 2 % Cloisite 30В модификацияланган монтмориллонитли карбамид композиция рентгенограммаси


Карбамид-формальдегид смола таркибига 2% миқдорда поляр – полимерлар ва мономерлар билан мослигини яхшилаш мақсадида $\text{CH}_2\text{CH}_2\text{OH}$ гуруҳлари билан модификацияланган ММТ (Cloisite 30В) киритилганда, дифрактограмма рефлексларида ўзгаришлар содир бўлмади (8-расмдан). Қурук Cloisite 30В ММТ рефлекси 6° бурчак остида жойлашган бўлса, Cloisite 30В ММТ киритилган композит рефлекси 6° бурчак остида силжимаси. Бунга сабаб Cloisite 30В ММТнинг поляр – полимерлар ва мономерлар билан мос эмаслиги сабаб бўлиши мумкин. Шу тариқа, Na-ММТ асосида интеркаляцияланган нанокомпозит структураси тадқиқ қилинди.

Тадқиқот натижаларига кўра карбамид-формальдегид смола таркибига 2% миқдорда Na-ММТ киритиш рентгенструктуралар таҳлил натижаларига кўра полимерланиш жараёнида интеркаляция ҳосил бўлди. Юқорида кўрилган интеркаляцияланган нанокомпозитларда полимерларнинг молекулалари силикат қатламларининг орасидаги бўшлиқларга суқилиб киради ва қатламларни икки томонга суради. Бунда қатламлар оралиғига нисбатан қатламли силикат пластинкалари оралиғи оддий лойларга хос катталашади, аммо қаватларнинг жойлашиш тартиби сақланиб қолади. Бу эса карбамид-формальдегид елимли композициясининг барча хоссаларини яхшилашга олиб келиши мумкин.


МКО-5 қотирувчи ва Na-ММТ киритилган композицияси намунасини қиздириш жараёнидан ҳосил бўлган эгри чизиклардан 108, 118, 830 $^\circ\text{C}$ ҳароратда да 3 та эндотермик эффект ва 68, 82, 206, 228, 252, 266, 273, 312, 332, 352, 364, 378, 392, 405, 424, 480, 550, 780, 800 ва 814 $^\circ\text{C}$ да 20 та экзотермик эффект ҳосил бўлганлиги билан тавсифланади. Термогравиметрик эгри чизиклари бўйича 60-900 $^\circ\text{C}$ ҳароратда умумий йўқотилган масса 98,17 % ни ташкил этганлигини ҳисобга олсак, карбамид елим композициясидан иссиқ босим остида елимлашда қўллаш мумкин.

Диссертациянинг **“Карбамид-формальдегидли композицияларнинг технологик ва физик-механик хоссаларини тадқиқ этиш”** деб номланган тўртинчи бобида металлкомплекс қотирувчи ва Na-ММТ киритилган карбамид-формальдегид елим композициясининг асосий физик-механик хоссаларини аниқлаш бўйича экспериментал тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.


Юқорида таъкидланганидек, совуқ прессда елимлаш учун поликонденсация жараёнини тезлаштиришда композицияси таркибига МКО-5 қотирувчисини киритиш лозим. Елим композициясининг оптимал таркибини аниқлаш учун елим қатлам бўйича мустақамлик чегарасининг МКО-5 қотирувчисининг миқдори, Na-монтмориллонитнинг миқдори, боғлиқлигини ва елимланиш жараёнининг давомийлигига боғлиқлигини аниқлаш бўйича тажриба тадқиқотлари ўтказилди. Тадқиқотлар натижаси 10, 11 ва 12-расмларда берилган.




10-расм. Елим қатламини бир меъёрда узилишга мустаҳкамлиги (елимлаш жараёнининг давомийлиги 3 соат)



11-расм. Елим қатламини бир меъёрда узилишга мустаҳкамлиги (елимлаш жараёнининг давомийлиги 6 соат)



12-расм. Елим қатламини бир меъёрда узилишга мустаҳкамлиги (елимлаш жараёнининг давомийлиги 9 соат)



13-расм. Елимни узилишга мустаҳкамлик чегарасининг елимлаш давомийлигини ошишига боғлиқлиги (таркибидаги монтмориллонит миқдори - 4 %)

Берилган расмлардан кўришиб турибдики, елим композицияси таркибига 2-4 % гача миқдорда киритилган Na-монтмориллонит елимли қатлам бўйича мустаҳкамлигига ижобий таъсир кўрсатди, буни елим композициясининг ёғоч ғовакларига шимилишини камайиши ва микронотекис чуқурлар бутунлай тўлдирилиши билан асослаш мумкин, бунинг натижасида ёғоч билан елимни боғланиш юзалари ортади.

МКО-5 қотирувчининг миқдорини ва елимлаш жараёнининг давомийлигини ошириш елим қатламнинг самарали равишда юқори

мустаҳкамликка эришишини карбамид-формальдегид смола поликонденсация жараёнининг ошиши билан тушунтириш мумкин.

Елим композицияси таркибига 4 % миқдорда Na-монтмориллонит, 8 % миқдорда МКО-5 қотирувчи киритилган ва елимлаш жараёнининг давомийлиги 9 соат бўлганда елимли қатлам бўйича мустаҳкамлиги энг юқори даражада ошган.

Юқорида ўтказилган тадқиқотлар бўйича 3-факторли режа қўлланди.

Олинган коэффицентлар регрессион модель кўриниши, мумкин бўлган энг қисқа (кичик) квадрат усули асосида стандарт дастур орқали ЭХМ да амалга оширилди.

Бир текисда узилишга бўлган мустаҳкамликка боғлиқ бўлган тадқиқот омиллари бўйича олинган эксперимент натижалари компьютерда қуйидагича ифодаланди:

$$y=2,461-0,063x_1+0,405x_2+0,68x_3+0,119x_1x_2-0,006x_1x_3+0,169x_2x_3-0,398x_1^2+1,12x_2^2-0,463x_3^2 \quad (1)$$

Тенгламада абсолют катталиқ бўйича x_3 коэффиценти энг катта натижага эришган. Бундан кўриниб турибдики, x_3 ошиши натижасида y ҳам сезиларли даражада ошиши керак. Демак, елимлаш давомийлиги елим мустаҳкамлигини ошишига катта таъсир кўрсатади, x_1 кўрсаткичининг (Na-монтмориллонит миқдори) y га таъсири сезиларли даражада эмас.

Елим композицияси таркибига киритилган Na-монтмориллонит елимни узилишга мустаҳкамлигини оширади, елим сарфини ва елимлаш давомийлигини камайтиришини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги елим таркиби таклиф қилинди:

Смола КФЖ - 88,5 %

Na-монтмориллонит - 3,5 %

МКО-5 қотирувчи – 8 %

Елим қатламини бир меъёрда узилишга мустаҳкамлиги - 2,75 МПа

Бунда елимланиш давомийлиги 6 соат, яшовчанлик қобиляти 2-2,5 соат, елим қатламини узилишга бўлган мустаҳкамлиги анъанавий елим мустаҳкамлигидан деярли 3 мартага ошди.

Таклиф қилинган елимли композиция анаъанавий елимдан фарқли ўлароқ карбамид-формальдегид смола таркибига 3,5 % Na-монтмориллонит, 8 % МКО-5 қотирувчиси киритилганда смола сарфини 11,5 % га камайтирди.

Диссертациянинг **“Илмий натижаларини ишлаб чиқаришга тажрибавий тадбиқ этиш”** деб номланган бешинчи бобида берилган технологияда карбамид-формальдегид композициясининг техник-иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш ва бу елим композициясини тажрибавий ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш натижалари келтирилган.

Техник-иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш анъанавий метод билан бажарилди. Ташкилотларда йиллик иқтисодий самарадорликни елим сарфи ва

нархининг камайиши орқали ҳисобланди. Бу қуйидагича ифода этилди:

$$C_{ен} = H_e - H_e' \quad (2)$$

бу ерда: H_e -ташкilotда ишлатиладиган анъанавий елим йиллик нархи, сўм/йил;
 H_e' -таклиф қилинган карбамид елим композициясини йиллик нархи,
сўм/йил.

1-жадвал

Совуқ ва иссиқ босим остида елимлашда ишлатиладиган янги тадқиқ
этилган елим таркибидаги маҳсулотлар сарфи ва нархи

№	Номланиши	Миқдори, кг	Нархи, сўм/кг	Умумий нархи, сўм
1	КФЖ	0,885	8120	7186,2
2	МКО-5	0,080	28 068	2245,44
3	Na-ММТ	0,035	778,524	27,248
Жами композиция нархи				9458

Металлкомплекс қотирувчи ва активлаштирилган тўлдирувчи карбамид-формальдегид елим композициясини ишлаб чиқаришга тадбиқ этишдан эришилган самарадорликни ҳисоблаш натижалари бўйича олинган кўрсаткич совуқ ва иссиқ босим остида табиий ёғоч плиталари ва декоратив қоғоз-қатламли пластик билан пардозланган ёғоч-пайрахали плиталарини елимлашда ишлатилган Na-ММТ ва МКО-5 асосидаги карбамид-формальдегид елим композицияси сарфини камайиши ҳисобига корхона йиллик иқтисодий самарадорлиги 3100479,6 сўмни ташкил этди. Агарда фоизларда ҳисобланса, корхона йиллик иқтисодий самарадорлиги 43,8 % тенг бўлди.

2-жадвал

Анъанавий елим ва янги таклиф этилган карбамид елим композициясининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари

Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари	Совуқ босим остида елимлаш		Иссиқ босим остида елимлаш	
	Таклиф қилинган елим	Анъанавий елим	Таклиф қилинган елим	Анъанавий елим
1 т елим нархи, сўм	9458000	8398800	945800	8418800
Елим сарфи, т/йил	0,156	0,312	0,265	0,530
Елим нархи, сўм/йил	1475540	2620425,6	2506370	4461964
Елим нархини камайиши бўйича иқтисодий самарадорлик, сўм	3100479,6			

Смолага Na-монтмориллонитни 3,5 % миқдорида киритиш елим композициясининг ёрилишга бўлган мустаҳкамлик чегарасига сезиларли таъсир кўрсатди, бу таклиф қилинган композицияни табиий ёғоч материаллари елимлаш учун тавсия қилиш имконини беради, бунда елимнинг асосий компонентлари иқтисодидан олинган самара ҳам ҳисобга олинади.

Таклиф қилинган елим композициясини иссиқ босим остида елимлаш усулида ёғоч материаллари пардозлашда ишлатиш учун ҳам тавсия қилиш мумкин.

ХУЛОСА

1.Замонавий физик-кимё таҳлил усуллари ИҚ-спектроскопия ва рентгенструктуравий таҳлил натижаларига кўра карбамид-формальдегид смола таркибига 2% миқдорда Na-ММТ поликонденсация жараёнида киритиш интеркаляция ҳосил бўлишига олиб келди. Интеркаляцияланган нанокөмпозитларда полимерларнинг молекулалари силикат қатламларининг орасидаги бўшлиқларга суқилиб киради ва қатламларни икки томонга суради. Бунда карбамид елим композициясининг структураланиш қонуниятларига кўра қатламлар оралиғига нисбатан қатламли силикат пластинкалари оралиғи оддий лойларга хос катталашади, аммо қаватларнинг жойлашиш тартиби сақланиб қолади. Бу эса карбамид-формальдегид елим композициясининг барча хоссаларини яъни реологик, технологик ва физик-механик хоссалари яхшилайдди.

2. МКО-5 қотирувчи ва Na-ММТ киритилган композиция намунасини 814 °С гача қиздирганда, ўзининг барқарор ҳолатини сақлаб қолишини кўрсатди ва модификацияланган карбамид елим композициясини иссиқ босим остида елимлашда қўллаш мумкинлиги аниқланди.

3. Янги синтез қилинган композициянинг ИҚ-спектрини таҳлили янги ютиш соҳаларида интенсив сигналларни кўрсатди. Спектрнинг 3974,36-3761,22 см⁻¹ О-Н (Н боғ ҳосил қилмаган) валентлик жуда юқори, 3071,18-3013,80 см⁻¹ =С-Н валентлик ўртача, 2969,92 см⁻¹ СН₃ асимметрик валентлик юқори, 2182,96 см⁻¹ Si-Н валентлик юқори, 2000см⁻¹ Me_n(CO)_m (Me-Fe, Cr ва б.) валентлик уч-тўртта интенсив соҳа ҳосил қилади. Айрим ҳолларда, намуна таркибидаги намлик ҳам мана шу оралиқда интенсивлиги кам бўлган ютилиш полосасининг кузатилишига сабаб бўлиши мумкин.

4. Таклиф қилинган елим композицияси анаъанавий елимдан фарқли ўлароқ карбамид-формальдегид смоласи таркибига 3,5% Na-монтмориллонит, 8 % МКО-5 қотирувчи киритилганда смола сарфини 11,5 % га камайтиради. Шу билан бирга анаъанавий елимга нисбатан янги таклиф этилган металлкомплекс қотирувчи МКО-5 ва активлаштирилган Na-монтмориллонит тўлдирувчи карбамид-формальдегид елим композициясининг бир текисда узилишга бўлган мустаҳкамлик чегарасини 3 мартага оширди. Елим композицияси технологик хоссаларидан бири - яшовчанлик хусусияти 2-2,5 соатни, совуқ усулда

елимланиш давомийлиги 6 соатни ташкил этди.

5. Смолага Na-монтмориллонитни 3,5 % миқдорида киритиш елим композициясининг ёрилишга бўлган мустаҳкамлик чегарасини сезиларли таъсир кўрсатади, бу таклиф қилинган композицияни табиий ёғоч материалларини елимлаш учун тавсия қилиш имконини беради.

6. Технологик, физик-механик хоссалари яхшиланган металлкомплекс қотирувчи МКО-5 ва активлаштирилган Na-ММТ киритилган карбамид-формальдегид елим композициясининг мақбул таркиблари ишлаб чиқилди ва ушбу елим композициясини ишлаб чиқариш бўйича энергия ва ресурс тежамкор технологияси таклиф қилинди.

7. Ишлаб чиқаришда МДФга пардозловчи шпонни елимлашда, табиий чинор ёғочларини елимлашда ва ёғоч қириндили плитани қоғоз-қатламли пластик билан пардозлаш мақсадида қўлланилган карбамид-формальдегид смола таркибига металлкомплекс қотирувчи ва активлаштирилган тўлдиргич кўшиб мустаҳкамлиги оширилган, технологик хусусиятлари яхшиланган, улар синовдан ўтказилганда таклиф қилинган елимни бир меъёрда узилишга мустаҳкамлик чегараси ҳам, нотекис узилишга бўлган мустаҳкамлик чегараси ҳам сезиларли даражада ошган ва шу асосда ижобий хулосалар олинган. Бундан хулоса қилиш мумкинки, янги таклиф қилинган елим композициясини ҳам совуқ босим остида ҳам иссиқ босим остида елимлашда қўлланиш имконини беради.

8. Янги таклиф қилинган елим композицияси технологик ечим техник-иқтисодий самарадорлигини бир корхона мисолида ҳисобланса, совуқ ва иссиқ босим остида табиий ёғоч плиталари ва декоратив қоғоз-қатламли пластик билан пардозланган ёғоч-пайрахали плиталарни елимлашда ишлатилган Na-ММТ ва МКО-5 асосидаги карбамид-формальдегид елими сарфини камайиши ҳисобига корхона йиллик иқтисодий самарадорлиги 3100479,6 сўмни ташкил этди. Агарда фоизларда ҳисобланса корхона йиллик иқтисодий самарадорлиги 43,8 % га тенг бўлди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Г. 11.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ АРХИТЕКТУРНО-
СТРОИТЕЛЬНОМ ИНСТИТУТЕ, ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ
ИНЖЕНЕРОВ ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНОГО ТРАНСПОРТА,
САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ АРХИТЕКТУРНО-
СТРОИТЕЛЬНОМ ИНСТИТУТЕ И НАМАНГАНСКОМ
ИНЖЕНЕРНО-СТРОИТЕЛЬНОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ АРХИТЕКТУРНО-СТРОИТЕЛЬНЫЙ ИНСТИТУТ

ЖУРАЕВА ФЕЛУРА ДАВРОНОВНА

**СТРУКТУРА И ТЕХНОЛОГИЯ КАРБАМИДНОЙ КОМПОЗИЦИИ
С МЕТАЛЛОКОМПЛЕКСНЫМ ОТВЕРДИТЕЛЕМ И
АКТИВИРОВАННЫМИ НАПОЛНИТЕЛЯМИ**

05.09.05 – Строительные материалы и изделия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (Phd)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент-2019

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философии (Phd) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2019.1.PhD/T1032

Диссертация выполнена в Ташкентском архитектурно-строительном институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице (www.taqi.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Самигов Нигматджан Абдурахимович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Тулаганов Абдукобил Абдунабиевич
доктор технических наук, профессор

Сиддиков Икромжон Иминжонович
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация:

Ташкентский научно-исследовательский институт химической технологии

Защита диссертации состоится «3» декабря 2019 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.T.11.01 при Ташкентском архитектурно-строительном институте, Ташкентском институте инженеров железнодорожного транспорта, Самаркандском Государственном архитектурно-строительном институте и Наманганском инженерно-строительном институте. Адрес: 100011, г.Ташкент, улица Абдулла Қодирий, дом-7в. Тел.:(99871) 241-10-84; факс: (99871) 241-80-00, e-mail: devon@taqi.uz, taqi_atm@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского архитектурно-строительного института (зарегистрирована №27). Адрес: 100011, г.Ташкент, улица Навои, дом №13. Тел.:(998 71) 244-63-30; факс: (998 71) 241-80-00; e-mail: taqi_atm@edu.uz.

Автореферат диссертации разослан «21» ноября 2019 года.
(реестр протокола рассылки №8 от «25» октября 2019 года).

Х.А. Акрамов

Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

Х.Х.Комилов

Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, к.т.н., профессор

С.А. Ходжаев

Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время во всем мире инновационные технологии производства энерго- и ресурсосберегающих, экологически безвредных клеевых композиций на основе эпоксидных, фурановых, карбамидоформальдегидных и других полимеров играют важную роль в строительстве. Исследования по созданию эффективных составов клеевых композиций, изучение особенностей их структуры и применение в различных отраслях народного хозяйства страны имеет особое место. Создание системы полимерных строительных клеевых композиций позволяет добавлять к полимеру различные активированные наполнители и отвердители. Особое внимание уделяется созданию новых типов активированных наполнителей и отвердителей, улучшающих адгезионные свойства, термостойкость, долговечность и технологических свойств клея, обеспечение энергетической и ресурсной эффективности их внедрения в производство клеев.

Ведущие исследовательские центры мира уделяют большое внимание оптимизации структуры клеевых композиций с высокими физико-механическими и технологическими свойствами и разработке технологий их производства. Одной из важнейших задач в целях улучшения физико-технических свойств, термостойкости, химической стойкости и эксплуатационных свойств карбамидоформальдегидных клеевых композиций является добавление в их составы отвердителей и активированных наполнителей, изучение химического связывания связующих компонентов, целенаправленное управление процессом отверждения карбамидоформальдегидных смол, обеспечение достижения высокой прочности и термостойкости.

В нашей республике приняты широкомасштабные меры по развитию промышленности строительных материалов, увеличению производства новых ресурсо- и энергосберегающих строительных материалов, изделий и конструкций, которые позволяют экономить природные ресурсы и использовать при их производстве местное сырьё. Стратегия развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы ставит очень важную задачу, в частности: «... повысить конкурентоспособность национальной экономики, сократить потребление энергии и ресурсов в экономике, широко внедрить в производство энергосберегающие технологии ...»¹. Одной из важнейших задач, в этой области, является создание технологии производства высококачественных строительных материалов и изделий путём использования в производстве карбамид-формальдегидных клеевых композиций активированных наполнителей и металлокомплексных отвердителей из местного сырья.

Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-2615

от 28 сентября 2016 года «О Программе мероприятий по дальнейшему развитию строительной отрасли на 2016–2020 годы» и Постановление Президента Республики Узбекистан №4335 от 23 мая 2019 года «О дополнительных мерах по ускорению развития промышленности строительных материалов», а также другие нормативно-правовые акты, принятые в этой сфере, способствуют достижению этих целей.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан II. «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы. В последние годы в Республике Узбекистан и за рубежом ряд ученых в области строительных материалов определили общие закономерности и основы технологии формирования структуры и свойств полимерных конструкционных композиционных материалов. Зарубежные ученые Елшин И.М., Патуроев В.В., Путляев И.В., Потапов Ю.П., Селяев В.П., Соколова Ю.А., Соломатов В.И., Крайс Р., Охама Ю., Химмлер К., Садао, Бареш Р., Энгулеску М., Гудев П. и другие занимались разработкой полимерных композиций, составом и технология полимербетона и внесли значительный вклад в эти вопросы.

Ученые нашей страны провели ряд исследований для изучения состава, улучшения структуры и свойств полимерных композиционных материалов, а также повышения эффективности технологий производства. Эта область развивалась в соответствии с различными исследованиями в этой области таких учёных как Джалилов А.Т., Касимов И.У., Ашуров Н.Р., Садиков Ш.Г., Магруппов Ф.А., Тахиров М.К., Самигов Н.А., Муминжонов Х.И., Сиддиков И.И., Акрамов М.М. и другие.

Анализ предыдущих исследований показали, что для улучшения свойств клеевого слоя при склеивании древесины и древесных материалов в состав клея вводятся различные отвердители и наполнители. Введение в полимер активированных наполнителей, в качестве наполнителей, даёт возможность для создания новых полимерных нанокомпозитов. Однако, в республике, в научных исследованиях, направленных на производство эффективных карбамидоформальдегидных клеевых композиций, в частности, образование клеевого состава в системе «карбамидоформальдегидная смола-отвердитель-наполнитель» указывает на то, что вопросам улучшения структуры клеевой композиции с высокими показателями адгезионных свойств, термостойкости карбамидной композиции, на основе металлокомплексных отвердителей и активированных наполнителей, уделено недостаточное внимание и это требует дальнейших исследований.

